




ДЕХҚОНОБОДЛИКЛАР БИР-БИРИГА ЕЛКА ТУТАДИГАН ЭЛ

Шу кунларда Ватанимизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг 26 йиллиги катта тантана билан нишонланмоқда. Байрам тадбирларида биринчи навбатда кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногирон ва боқувчисини йўқотган oilаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, «Дехқонобод каллийи ўғитлар заводи» унитар корхонаси байрам арафасида ана шундай мурувват тадбири ўтказибганини айтиб қолди. «Тошкент-Термиз» поездида чипта олиб йўлга тушди...

Поездда бирга кетаётган ҳамроҳларнинг ўзаро суҳбатига қўлқ тутаман. Бир онахон Тошкент давлат педагогика университетининг физика факультетига давлат гранти асосида ўқишга кирган қизи билан уйга кетаётган экан. Хурсандчилигининг чеки йўқ. Заҳирадаги ҳарбий хизматчи эса спорт бўйича чемпионлигини қўлга киритган ўғли ва қизи ҳақида тўлиб-тошиб гапирди...

Саҳар 4:00 да Дехқонобод вокзалида поезддан тушдим. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли йўналишидан биринчи бор юришим. 223 километрик улкан иншоот 33 ойда ишга туширилди.

Барча қўлайликларга эга бежирим, замонавий вокзалдан ташқарига чиқдим. Узоқдан чирокларини ёқиб келаётган автобус ёнимда тўхтади. — Меҳмон, заводга келаяпсизми? — сўради хайдовчи. Тасдиқ ишорасини қилдим.

— Менга сизни завод меҳмонхонасига олиб бориб жойлаштиришни тайинлашган.

Меҳмонхонада жой йўқ экан, завод ётоқхонасига жойлаштиришди. Орқама-орқа байрам тадбирида мушак отиш учун тақлиф қилинган мутахассис, Аҳмад Абдуллин деган йигит кириб келди. Маълум бўлдики, автобус ўша йигитни вокзалдан олиб келиш учун юборилган экан, ўрнига мен чиқиб келардим...

Эрталаб соат 8:00 да бизни корхона директори, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳамидулла Шерматов қабул қилди. У мазкур корхонани 2014 йилдан бошқараётган экан.

— Келган пайтларим кўп қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди, — дейди Ҳамидулла Шерматов. — Дунё мамлакатларида рўй бераётган иқтисодий инқироз туфайли ўша пайтда каллийи ўғитлар нархи жаҳон бозорида жуда пасайиб кетди, хомашёга қилинган харажат ҳатто унинг таннарини оқламасди. Одамлар 8 ойлаб маош олмай ишлаётган эди.

Даставвал маҳсулот экспортни қўпайтириш устида иш олиб бордик ва бу кўрсаткични 95 фоизга етказдик. Ҳаммасини аста-секинлик билан жойига қўйдик, маошларни тўладик. Бугун байрам муносабати билан корхонамизда меҳнат қилаётган икки минг нафарга яқин ишчи хизматчиларимизга бир ойлик маош миқдорида мукофот пули бердик...

Ватанимизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг 26 йиллиги катта тантана билан нишонланмоқда. Байрам тадбирларида биринчи навбатда кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногирон ва боқувчисини йўқотган oilаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

ўртача 2,6 фоизга ошиб боради. Айни вақтда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда Канада, Россия, Беларусь ва Германия етакчилиги қилаёпти. Канадада қазиб олинadиган руда таркибида каллийнинг ўртача улуши 30 фоиз, Россияда 18-34 фоиз, Беларусда 22-30 фоиз бўлса, юртимизда бу кўрсаткич 25-35 фоизни ташкил этади.

Каллий ўғити ўсимликнинг тупроқда мавжуд бўлган азот, фосфор, кальций, мағний ва бошқа элементларни ўзлаштириш даражасини оширади. Пахтачиликда гўза каллий билан озиклантирилса, ҳосилдорлиги ошади, толаси сифатли бўлади. Шунинг учун жорий йилда юртимиз деҳқон-фермерларига 60 минг тонна каллий ўғити етказиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Корхона туманининг Бешбулоқ деб номланган чўл ҳудудда, 34 гектар майдонда жуда ихчам, замонавий тарзда барпо этилган. Узоқдан кўзга ташланиб турган ўрқач-ўрқач қирлар гўё ўз ман-

Чучкудук қишлоғида яшовчи турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб, икки фарзанди билан ночор аҳволда қолган Наргиза Дўлановага корхона томонидан янги уй қуриб берилибди. Корхона директори Ҳамидулла Шерматов, Дехқонобод туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси Зойир Алиқулов, ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Ҳасанова ва бошқалар иштирокида ана шу уйнинг қалитини топшириш маросимида бўлиб ўтди.

зилига ошаётган тўялар қарвонини эслатади.

— Бу қирлар тағида катта бойлик бор, — дейди фикримни уққандай директор ёрдამчиси Ҳасан Ашуров. — Уларнинг бағрида катта миқдорда оҳақтош захираси мавжуд...

Турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб, икки фарзанди билан ночор аҳволда қолган Чучкудук қишлоғида яшовчи Наргиза Дўлановага корхона томонидан янги уй қуриб берилибди. Корхона директори Ҳамидулла Шерматов, Дехқонобод туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси Зойир Алиқулов, ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Ҳасанова ва бошқалар иштирокида ана шу уйнинг қалитини топшириш маросимида бўлиб ўтди.

— Корхона раҳбариятига мингдан минг раҳмат, — дейди Чучкудук МФЙ раиси Холбой Абдурайимов. — Шу келинчақ билан икки фарзанднинг бошини силаб, катта савоб иш қилишди. Яна Наргиза Дўлановага тикув машинаси совға қилиниб, қасанчилик асосида корхонага ишга жойлаштиришди, ўғлининг қийим-бошини тўғри-лаб, коллежга киритиб қўйишди.

Туман марказидаги Нодира маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилаётган навбатдаги тадбирда қатнашдик. МФЙда Касби туманидан қатнаб ишлаётган

участка профилактика инспектори Одил Бердиевга янгидан қурилган уйнинг қалити топширилди.

— Корхонамизда асосан ёш йигит-қизлар ишлайди, — дейди Ҳасан Ашуров. — Юлдузи-юлдузига тўғри келиб, бир-бирига кўнғил қўйиб турмуш қураётган ёшлар ҳам анчагина. Ҳозир шулардан беш нафарига яшаш учун ётоқхонадан жой бераёпмиз.

Корхона ётоқхонасига кирариш йўлаги тўй маросимига мослаб безатилган, шўхчан қўй-қўшиқлар янграйди. Янги қуриб битказилган, 40 хонали ётоқхона эшиги олдида рамзий алвон тасма қирқилиб, уй қалитлари ёш келин-куёвларга топширилади.

Калит олган жуфтликлар орасида иккита чақалоқни кўтариб турган ёшларга яқинлашаман. Булар шу корхонада топшириб, ахду паймон қилинган Бобоназар ва Марғубахонлар экан.

— Корхона ўтган йили фарзандларимизнинг тўйини ўтказиб берганди, — дейди Бобоназар

масалалар бўйича корхона директори ўринбосари Ойбек Курбоннов. — Келиши билан унга икки йўналиш — ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва таннарни пасайтириш бўлими бошлиғи вазифасини юклядик. Худо хоҳласа, биргаликда бир неча истиқболли лойиҳаларни амалга оширамиз, деб турибмиз. Бугунги тантананда Зафаржонга корхона томонидан қурилган 20 та хизмат уйларидан бирининг қалитини топширдик.

Корхонанинг ёзги саройида эҳтиёжманд oilаларнинг 20 нафар фарзандига мактаб формаси, ўқув қуроллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Бойқўрғон ва Аэродром қишлоғида яшовчи Шаҳар Тўхлиева ҳамда Нигора Набиеваларга ногиронлик аравачаси ва қасанча-чилик асосида иш юритиш учун тикув машиналари берилди.

Бирин-кетин ўтказилаётган тадбирларни якунлаб, завод дарвозасидан ташқарига чиқдик. Корхона ёнидаги майдонда безатилган саҳна атрофига йиғилган хотин-қизлар, катта-ю кичикни қуриб, бугун Дехқонобод ахли шу байрам тадбирига йиғилиб келганми, деб ўйладик. Ҳа-я, дарвоқе, байрамга Тошкентдан «Нихол» мукофоти совриндори Хилола Ҳамидова ҳамда «Ханда-лак» гуруҳи келади, деган овозани улар ҳам эшитишган бўлсалар, ажаб эмас.

Саҳна олдида кам таъминланган oilаларнинг суннат тўйи нишонланаётган ўн нафар фарзандлари учун ажратилган биттадан велосипед, сарполар, ҳар бирининг ҳисоб рақамига 500 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчалари қарсақ ва олқишлар остида эгаларига топширилди. Етти нафар келин-куёвларга ФХДЕ ходими томонидан тантанали равишда никоҳ гувоҳномаси берилди. Корхона томонидан биттадан телевизор ва ҳисоб рақамига бир миллион сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди, уларга шириндан ширин тилаклар айтилди. Шу ернинг ўзида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номиди Қашқадарё вилоят мусиқа ва драма театридан келган санъаткор Азиза Бобомуродова келин саломни қўйиллатиб ўтказиб берди. Келинлар таъзим қилишдан чарчамади, санъаткорлар соз қилди...

Яқиндагина Дехқонобод агро-бизнес ва транспорт, агросаноат ва саноат касб-хунар коллежларини битирган ўн нафар йигит-қиз шу ернинг ўзида корхонага ишга қабул қилиниб, уларга сертификат ва иш анжомлари берилди...

Санъаткорларнинг дилторлар қўшиқлари, ичакузди хангомалар меҳр-мурувват, саховат базмига фойз бағишлади. Байрам сўнгигида отилган мушаклар самодара ранг-баранг ёғдулар тарқатиб жилоланди, дилбар наволар шодлиққа йўғрилди...

Бўладиган эл бир-бирини боғлаб, дейди, бир-бирини қўллаб қувватлайди, бир-бирига елка тутайди. Илоҳим, мустақил юртимизда ана шундай хайрли тадбирлар кўпаяверсин!

Нуруллоҳ ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БОҒЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Пойтахтимиздаги «Дўстлик боғи» юртимизда истиқомат қилаётган кўплаб миллат ва элатлар вакилларини ўзига қорлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, миллий маданий марказларнинг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Соловёв ҳаёти, тақдирини жонахон диёримиз билан ҳамбарчас боғлаган.

— Умрим давомида шу табаррук замин, унинг меҳридарё, меҳнатсевар халқи туфайли кўп ютуқларга эришдим, — дейди Зинаида Ивановна. — Энг улуғ ва азиз байрамни кўтаринки руҳда қўтиб олаётганимизнинг бош омили ҳам тинчлик, тотувлик, ижтимоий барқарорликдир.

Юртимизда барча миллат ва элат вакиллари таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз истеъдодини юзга чиқаришнинг ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий кафолатланган.



— Ўтган 26 йил мобайнида Ўзбекистон улкан, миллий қўрилмаган ютуқларга эришди, — дейди Рус миллий маданий маркази раҳбари Александр Аристов. — Жонахон Ватанимизда кўплаб миллий маданий марказларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани миллатлараро аҳилиқнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистонимизни, истиқлолни, олижаноб халқимизни, гўзал инсоний қасриятларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Тошкент марказий эко боғида ҳам энг улуғ, энг азиз айёмга бағишлаб ёшлар тадбири бўлиб ўтди. «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган маърифий лойиҳа Ўзбекистон ёшлар иттифогини Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани кенгаши томонидан ташкил этилди.

Ёшлар хос жўшқинлик, завқ, шижоат акс этган тадбирга уюшмаган, алоҳида эҳтиёжли ёшлар тақли этилди. Сўлим боғда баскетбол, футбол, волейбол бўйича мусобақалар, қизқарли спорт уйинлари, халқ амалий санъати ва миллий хўнрамандлик бўйича кўргазма, модлар намойиши бўлиб ўтди.

— Мазкур лойиҳани ўтказишда ёшларнинг қизиқиши ва иштилоши ҳисобга олинди, — дейди 248-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шохногор Азизова. — Кўрсатилган эътиборга муносиб бўлиш биз ёшларнинг бурчимиздир.

Феола қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Эълон Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» соообщает:

14 сентября 2017 года в 15:00 по адресу: город Нукус, ул.Амира Темура, дом №122а проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен выставляются на продажу:

1.Автотранспортное средство, приналежашее ВЧ РУЗ №76245 города. Нукуса Республика Каракалпакстан: автомашина марки Отаул 65.9, 1999 года выпуска, гос номер 95/036TSS. Начальная цена — 13 186 648 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9:00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 12 сентября 2017 года в 16:00.

Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001 (МФО 00585, ИНН 207145085) Каракалпакского филиала ООО «Агросанот мулк маркази» в АК «Турон банк».

Информацию об объектах, выставяемых на торги, можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан, город Нукус ул. Амира Темура, дом №122а.

Телефон для справок: (0-361) 222-55-84. Услуги лицензированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabqo.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838
9236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:55
Topshirilgan vaqti — 00:40

Sotuvda kelishilgan narsada

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifaolovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 4 5 6